

# Qishloq НАҲОТЇ

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 150 (6.987). Sotuvda erkin narxda

**Агарки, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар - миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон - менинг ягона Ватаним, деб яшайдиган, белини маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қиладиган бўлса, билиб қўйинглр, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.**

**Ислон КАРИМОВ**

## Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият

### Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳта-рам ватандошлар!  
Авалламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий му-боракбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.  
Қадри дўстлар!  
Ҳақиқатан ҳам, 8 декабр - Конституциямиз қабул қилин-ган кунни катта ижтимоий-сий сийёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишон-лаш ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.  
Ушбу кутлуг сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимиз-да яшаётган ҳар қайси фуқа-ро, ҳар қайси оила тақдирин-да, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-минлашда Конституциянинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсири яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ўндайди.  
Мана, ўн уч йилдирки, биз эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафруравий қарашлардан воз кечиб, ўзи-

миз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.  
Ана шу ўтган давр мобай-нида халқимиз сийёсий тафак-кури, ақл-заковатининг кўзгу-си бўлмиш Конституциямиз-нинг ҳаётий негизи нақадар муштахам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда, умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига тақрор ва тақ-рор ишонч ҳосил қилдик.  
Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган го-ят мураккаб ва масъулиятли, ма-шаққатли ривожланиш йўли давомиди қандай жараёнлар-га дуч келмайлик, қандай оғир синовларни бошимиз-дан кечирмайлик, Конститу-циямиз ҳамиса юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта тах-ликали вазиятларда аякка яго-на тўғри йўлни топиш ва ке-лажакка ишонч билан қараш-да асос бўлиб хизмат қил-моқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.  
Бугун Конституция тўғри-

сида, унинг маъно-маъмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асо-сий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан усту-р этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликла-ри ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилгани яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.  
Айнан ана шу қатъий та-лабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принциплри ҳаётим-изга татбиқ қилиш ўта му-ҳим аҳамиятга эгадир.  
Бунинг учун барча фуқаро-ларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчла-рини чуқур ағлаб олиши ва сийёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ушбу консти-туцион тамойилга биринчи-галда мансаб ва амалий ва-зифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходим-лари ўзининг қундалиқ фао-лиятида оғишмай риоя қили-ши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсақ, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурили-ши ва унинг тараққиёти, жа-миятимизнинг демократик янгилалиши, иқтисодиётим-изни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий маърифий ишлар билан бо-ғлиқ бўлган, қисқача айтган-да, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатлари ни таъминлаш учун» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.  
Содда қилиб айтганда, бу-гун қайси соҳани олмайлик - бу пахта ёки галла етишти-риш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қиш-лоқларимизни ободонлашти-риш бўладими - нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳам-маси охир-оқибатда инсон учун, шу юрда яшаётган одамлар учун қилинаётгани-ни кўриш қийин эмас.  
Барчамиз ҳолисона тан олишимиз керак - қўпинча қундалиқ ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз. Шу борада ана бир муҳим

масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.  
Бугун юртимизда демократ-тик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатади-ган одамлар, ҳатто ганимла-римиз ҳам инкор этолмайди.  
Лекин, таассуф билан таъ-кидлаш лозимки, ана шу та-раққиётга етишиши, олдими-зга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийин-чилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйилётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсик ва ёғлар, содир бўла-ётган жиноятлар ҳақида ош-қора гапирар, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.  
Очигини айтганда, собиқ тузумга хос қолдик ва асо-ратлар, барчамизнинг онги-мизда ҳали-бери сақланиб қолаётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.  
Барака топқурлар, агар биз эришган ҳуқуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни, ав-

вало, ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, ак-синча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақ-тида бартараф этиш имкони-га эга бўламиз.  
Бу ҳақда гапирганда, мен учта муҳим масалага алоҳида ургу бериб ўтмоқчиман.  
**Биринчидан**, барчамиз ҳаётимизда ханузгача учраб келаётган лоқайдлик ва бе-парволик асоратларидан ба-рунлай халос бўлишимиз за-рур.  
**Иккинчидан**, мамлакатим-из ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор.  
Токи шу юрда ашайдиган ҳар қайси инсон ана шу му-раккаб ижтимоий жараёнлар-дан ҳар томонлама ҳабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини ағлаб ета олсин.  
**Учинчидан**, ҳар бир фу-қаро ўзининг, оиласининг тақдирини ва эртанги кунини ўзини ривожланиш йўлимизда гов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.  
Бугун ҳаётга мана шундай ёндашуви замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.  
(Давоми 2-бетда)

## Ватаниннинг юксак мукофотлари топширилди

Улуг байрамларимизни шодиёна билан нишонлаш эзгу удумларимиздан. Аънанага кўра энг улуг, энг азиз байрамимиз - Мустақилликнинг 14 йиллиги арафаси-да, Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонлари-га мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юк-салтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маъ-навиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашдаги улкан хиз-матлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимиз-нинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.  
Оқсарой қароргоҳида 7 декабр куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.  
- Бугун Оқсарой қароргоҳида, мана шу муҳташам залда Конституция байрами арафасида сизлар билан учрашиб, дий-дор кўришиб турганимдан хурсандман, - деди Юртбошимиз. - Аваламбор, юксак мукофотларга сазовор бўлган сиз, азиз-ларни давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматини билдириб, барчангизга сийхат-саломатлик, хо-надонингизга тинчлик, ишларингизга омадлар тилайман.  
Бугун юртимизнинг қайси минтақасини олмайлик, марказ-да, яқин ва узоқ жойларда бўладими, шаҳар ва қишлоқлари-

## Буюк истиқлолимизнинг ҳуқуқий асоси

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 13 йиллиги муносаба-ти билан 7 декабр куни пойтах-тимиздаги «Туркистон» сарой-ида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**  
Унда мамлакатимизнинг сийёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамо-атчилиги, юртимизда фаолият кўрс-атаётган хорижий давлатларнинг эл-чixonалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ишти-рок этдилар.  
Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳоки-ми А.Тўхтаев очди.  
Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.  
Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Ислон Каримов йиғилишда маъруза қилди.  
Давлатимиз раҳбари Конституция-миз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдими-зга қўйган мақсад ва вазифаларни на-фақат тушунириш, тартиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.  
Ўтган даврда Конституциянинг ҳаётий негизи нақадар муштахам экани, у бизнинг миллий қадриятла-римиз ва умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос экани яққол тас-диғини топди. Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суриши, эри-шилаётган ютқуқларимиз, истиқбол-га ишончимиз ва истиқлолга садо-қатимиз замирида Бош Қомусимиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир юртдоши-миз чуқур ҳис этмоқда.  
Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданқо инсон эрки, унинг бахт-саодати бош гоюлардан бири-га айланди. Инсонпарварлик гоюла-

ри билан йўрилган ислохотлар жа-миятимизнинг янада гуллаб-яшна-шига, кишилар турмушининг фаро-вонлашувига хизмат қилмоқда.  
Биз демократия ва эркинликнинг

ривожланиш ва фуқаролик жа-миятини қуриш йўли ҳам Асосий Қонунимизда белгилаб берилган.  
Биз демократия ва эркинликнинг

Юртбошимиз бошлаган ишлари-мизни кенг кўламда, жадал сурь-атлар билан давом эттириш бора-сида олдимизда турган муҳим маса-

ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар обод-лиги, кишилардаги меҳр ва му-рувват туйғуларини юксалтириш ҳисси мужассам.  
2005 йил - Сийхат-саломатлик йилида жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкам-лашга, жисмоний соғлом ва маъ-навий бой авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланиш-га кенг жалб этилишини таъмин-лашга йўналтирилган ишчил қора-тадбирлар амалга оширилди.  
«Соғлом халқ, соғлом миллати-на буюк ишларга қодир бўлади»-шиорида ўз мужассамини топанг ушбу йилда эришилган улкан ик-бий натижалар авваламбор тиббий соҳани янги босқичга кўтариш-га, халқимиз ҳаётини янада яхши-лашга қаратилди.  
«Сийхат-саломатлик йили» дас-тури қабул қилиниб, унда юрт-дошларимиз кенг кўламда фойда-лана оладиган ва сифатли соғлик-ни сақлаш тизимини яратиш, оналар ва болалар скрининги ти-зимини такомиллаштириш, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини асраш, шунингдек, тиббиёт муас-сасаларининг моддий-техника ба-засини ривожлантириш ва муста-ҳкамлаш, уларни замонавий таш-хи ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш масалаларига кенг ўрин берилди.  
Ушбу Дастур тиббий хизмат со-ҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тай-ёрлаш, тизим ходимларининг му-раккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш каби бошқа бир қатор амалий ишлар учун ҳам му-ҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.  
Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги - 2006 йил-ни мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилишни тақдир этди. Юртбоши-мининг бу тақдирини йиғилган-лар гулдурас қарсақлар билан маъқулладилар.  
Тантанали маросим санъат ус-талари ва ёш ижрочиларнинг кат-та концерти билан якунланди.  
(УЗА)



Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзга-ришларнинг туб моҳияти Консти-туциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон танлаган йўл - демокра- умумэътироф этилган ва асосий принципларига таянадиган, айни чоғда мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, халқимиз-нинг дунёқарашига асосланган ўзи-мизга хос ва ўзимизга мос йўлимиз-га - тараққиётнинг «Ўзбек модели»-га доим содиқимиз.

# Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият

(Боши 1-бетда)

Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиҳот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чуқри ҳозирги даврда, ҳалқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мўрақаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган ҳалқ ва жаҳмият энгилмас қўлга айланган. Ҳар қандайдиги ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун қонун ҳужжатлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жаҳмиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалаларга айланиб бораётганини аққол қуатиш мумкин ва бунга табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгиланиши ва янги жаҳмият қуриши йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойиллари ҳақида мухтарас қилиб, қисқа тарзда эслатиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, бугунги замонада асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзиде учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун аксарият давлатларга ўн-юз йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди-энди бу жараёнга киришмоқда.

**Иккинчидан**, барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатлари ҳисобга олган ҳолда, бирдек мусулмонларга аққола ёнган – универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб эзуровонлик билан жорий қилишни ўзи айнан демократия табиғатиға зид нарса.

Бу ҳақиқатни охириги даврда жуда кўп мисолларда кўриш мумкин.

Демократияни ташқирдан, ҳар қайси давлат ва ҳалққа хос бўлган замин ва хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўрнатилган қаратилган ҳаракатлар бир вақтлар коммунизм тизимини экспорт қилиш каби аянчи, ҳунук оқибатларга олиб келиши мўқарар.

**Учинчидан**, Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жаҳмиятни қуриш йўлини аниқ-равшан белгилаб олган ва бу мақсад Конституциямизда муҳрлаб қўйилган.

Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэтироф этилган ва асосий принципларига таянади. Айни пайтда мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва диний хусусиятларига ва ҳалқимизнинг дунёқарашига асосланади.

Биз демократик жаҳмият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни қимгадир яхши кўриниш, қимгадир яхши ҳисоб бериш ва сохта оёқ топшиш учун эмас, аввало – ҳалқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танабб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз.

Шу билан бирга, очик айтиш керак, Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатдан қайтариш, қимгадир қарам қилиш мақсадида четдан туриб ички ишмишга аралашуш, турли ниқоблар остида бизга қарши таъйиқ ва эзуровонлик ўтказиш сиёсатини мулталоқ қабул қилмаймиз.

Шуни айтишим керак – бизга нисбатан бундай уринишлар чиппаққа чиқиши мўқарар ва бу масала бўйича лўттибозликни йиғиштириб қўйиш лозим.

Азиз дўстлар!  
Вақтинг шиддат билан ўтишини қарангки, юртимизда «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йил ҳам, мана, ўз ниҳосига етиб бормоқда.

Асосий маъно-маъмуни ва фалсафаси «Соғлом ҳалқ, соғлом миллатга буюқ ишларга қодир бўлади» деган шоримизда мужассам бўлган ушбу йилда амалга оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни бугун мамнуният билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, аққонига етиб бораётганим, «Сихат-саломатлик йили» деб ном олган жорий йилда амалга татбиқ этган дастур ва тадбирлар аввало табиий соҳани янги босқичга қўтаришга, одамларимиз, ҳалқимиз ҳаётига қандай ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида республикаимиздаги 38 та шифохона ва сихатгоҳ янгитдан барпо этилган, тўлиқ капитал таъмирлангани ва реконструкция қилинган, 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий табиий ускуналар билан жиҳозлангани, ўйламанки, бу борадаги ишлар қўламлидан етарлича далолат беради.

Шунингдек, бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қила оладиган амбулатория-поликлника муассасалари, жумладан, 210 та кишлоқ врачлик пункти ишга туширилгани қанча-қанча одамларнинг шифо топишига, касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Айниқса, кишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар юртоқшимиз сифатли табиий хизматдан фойдалангани ва қўшимча равишда 2 миллион кишига хизмат кўрсатиш имконияти яратилганини бу йўлдаги муҳим кадам сифатида баҳолаш керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай ибратли ишлар нафақат пойтахтда, балки барча вилоят ва туманларимизда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида янги шифохона, Боғот туманида эса янги туғруқхона мажмуи барпо этилди.

Коракалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани марказий касалхонасида катта ҳажмидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Наманган вилоятларидаги қатор туманларда эса марказий касалхоналар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларга 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, Қарши шаҳрида кардиология ва ихтирослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилояти тез табиий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилоятининг Галларол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги «Чимён» санаторийида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар ақваларки каби табиий ва ихтимой инфравизион иншоотлари барпо этилди.

Шулар қаторида Республика шифолиқ табиий хизматининг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланиши маъқур тизимнинг самардорлигини оширишга албатта хисса қўшади.

Табиий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида пойтахтимишдаги иккита медицина олий ўқув юрти негизида Тошкент табиий академияси ташкил этилди.

Хозирги пайтда академия қосида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ҳам иш бошлади. Бундан ташқари, 3 та янги медицина коллежи барпо этилиб, уларда минг нафар талаба тахсил олаётгани ҳам табиий кадрлар тайёрлаш ишини қайтарлашга хизмат қилади.

«Сихат-саломатлик йили» да биз учун ўта муҳим бўлган оналик ва болалиқ, репродуктив саломатликни ҳимоя

қилиш, табиий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида ҳам жиддий натижалар қўлга киритилгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Оналар ва болалар скрининги тизимининг тақомиллашуви, никоҳдан олдин табиий кўриқдан ўтказиш, 1 ёшгача болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг микёси кенгайиши ва бошқа муҳим тадбирлар туфайли чақалоқлар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга, оналар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар эса 6,8 фоизга камайгани, айниқса, эътиборга молик.

Жорий йил давомида юртимизда фаолият кўрсатаётган 9 та скрининг маркази қаторига яна иккита – Урганч ва Навоий шаҳарларида ташкил этилган ана шундай замонавий табиий марказлар ҳам қўшилди.

Очик тан олишимиз керак, ҳозирги кунда пойтахтимиз ёки бошқа катта шаҳарларга бориб, малакали шифокорлар кўриқидан ўтиш, керакли табиий муолажа ва тавсиялар олишга ҳаммамиз ҳам имконияти етарли эмас. Айниқса, олис ва чекка жойларда яшайдиган аҳоли учун бу жиддий муаммо эканини яхши тушунамиз.

Шуни инобатга олган ҳолда, жорий йилнинг март-сентябр ойларида табиий шифо топишга мўрақаб бўлган Қоракалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида «Саломатлик» табиий-санитар ёрдам псевди юборилиб, 20 мингдан ортиқ киши табиий кўриқдан ўтказилгани кўпчилиқнинг кўнглидаги иш бўлди.

Шулар қаторида ёғи таътил мавсуми давомида Халқ таълими вазирлиги ва Республика касабаянжмалари федерацияси томонидан 247 минг мақтаб ўқувчиси оромгоҳида соғломлаштирилгани ҳам айтиб ўтиш ўринли, албатта.

Ўтган давр мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун ана бир ибратли тажриба жорий этилиб, камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, йод танқислиги бўйича ҳам алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг турли жойларида қандай ҳавфли оқумли касалликлар тарқалаётганидан, ўйламанки, ҳаммамиз хабардорсиз.

Бу масала барчамиздан, биринчи галда, медицина ходимларидан доимий сезгилик ва ҳушёрликни талаб қилади. Ўз вақтида қўрилаётган чора-тадбирлар ва табиий ёрдамларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бундай ҳавфли касалликлар бизнинг ҳудудимизга, юртимизга четдан кириб келишининг олдини олишга эришилганини катта мамнуният билан қайт этиш лозим. Мана шундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмасликка хисса қўшган табиий ҳодимларига алоҳида миннатдорлик билдиришимиз зарур, деб ўйлайман.

2005 йилда ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга мўхтаб инсонлар саломатлигини асраш бўйича амалга ошириб келаётган ишларимизни давом эттирганимиз бу масала биз учун устувор аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Мисол учун, хорижлик мухтассислар билан биргаликда Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги кам таъминланган оилаларга мансуб 2500 дан зиёд бола атрофлик табиий кўриқдан ўтказилгани, «Соғлом авлод учун» жағғарма-си билан ҳамкорликда 280 нафар ногирон бола пластик операция қилинганини айтиш мумкин.

Профессионал маҳорат ва катта маблағ талаб қиладиган бундай тадбирлар туфайли юзлаб ота-оналарнинг дарду таъвиши энгиллашгани, энг муҳими, бу болаларнинг ўзи ҳаётга янгица қўз, умид ва ишонч билан қарай бошлагани

тини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

«Нуроний» шифохонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил этилиб, унда тўрт минг нафар уруш ва меҳнат фахрийси, ногиронлар ўз саломатлигини яхшилаш имконига эга бўлгани ҳам шундай савобли ишлар жумласига қиради.

Мамлакатимизнинг ихтирослашган табиий марказларида эса шу тоифадаги беморлардан 15 минг 570 нафари даволангани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2500 нафарга ортгани эътиборга сазовор.

Хусусан, республикаимизнинг урология, хирургия, кўз хирургияси ва кардиология марказларида 2300 дан ортиқ беморга табиий хизмат кўрсатилди ва бу мақсадларга давлат бюджетидан бир ярим миллиарддан зиёд маблағ сарфланди.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Жорий йилда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинди.

Жумладан, «Табиий фаолият тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги пайтда тегишли мухокамалардан ўтказилмоқда. Шунингдек, «Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида»-ги, «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»-ги қонунларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

«Сихат-саломатлик йили» дастурида кўзда тутилган яна бир долзарб масала – аҳолининг табиий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ ҳаётий қараш ва ёндашувларни шакллантириш бўйича кенг қўлама тарғибот-ташвиҳот ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада республика миқёсида турли мавзу ва йўналишларда 80 миңдан зиёд тадбир ўтказилиб, уларда 2 миллиондан ортиқ киши иштирок этганини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, икки жилдан иборат «Соғлом турмуш тарзи асослари» китоби чоп этилиб, марказий ва минтақавий теле-радио каналлари орқали 1200 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар, жумладан, Ўзбекистон телевидениесида «Тўрт қарра йўқ!» номли телемарафон ташкил қилинди.

Бу борада «Сихат-саломатлик йили: мазмун ва моҳият» деган ном остида нашр этилган методик тавсиялар ва мультимедиа дастурлари ҳам аҳолининг табиий маданиятини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчи ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, гифхандлик ва СПИД каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизими билан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда кишлоқ жойлардаги қўлаб маҳаллаларда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом оила тарғиботиға бағишланган учрашуш ва субқатлар ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг ҳаётимизга қандайдиган иллатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизими билан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Айни пайтда кишлоқ жойлардаги қўлаб маҳаллаларда аёлларнинг репродуктив саломатлиги, соғлом оила тарғиботиға бағишланган учрашуш ва субқатлар ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг ҳаётимизга қандайдиган иллатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий ахборот ресурслари, хусусан, Интернет тизими билан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

2005 йил мобайнида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзал» халқаро беллашувлари, яқинда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ва бошқа нуфузли мусобақалар ҳам республикаимиз спорт ҳаётида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Сихат-саломатлик йили» дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг 1 ноябригача ҳамини 165 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфлангани бу йўналишда бажарилган ишларнинг ҳажми ва қўламлини аққол қўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу дастури амалга оширишда фаол иштирок этган давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг минтақавий бўлиmlарига, халқаро хайрия тузилмалари, савобли хомийлар, умуман, шу олижаноб ишга ҳисса қўшган эзгу ниетли барча инсонларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун «Сихат-саломатлик йили»нинг дастлабки аққонларини сарҳисоб қилар эканмиз, албатта, бу йилга шундай ном берганимиз ва шунинг ҳисобидан катта ишларни бажаришга эришганимиз ҳақида ҳар қанча мамнуният билан гапирсак, арзийди. Биргина оқорида зикр этилган ракам ва мисолларнинг ўзиёқ кўп нарсани аққлатади.

Имкониятдан фойдаланиб, кўнглимдаги яна бир гапни айтишни жоиз, деб биламан. Агарки «Сихат-саломатлик йили» бўйича қилган барча саъй-ҳаракатларимиз лоақал битта боланинг ҳаётини асраб қолишга, лоақал битта беморнинг шифо топишига хизмат қилган тақдирда ҳам, биз 2005 йилга шундай ном беришимиз зарур, шарт эди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўйиласиз.

Кадрли юртошлар!  
Шу ўринда бир савол турғилади: кириб келаётган ҳар қайси янги йилга эзгу ниет билан маълум бир ном беришда биз қандай асосий мақсадларни кўзда тутишимиз?

Авалло, шуни айтиш керакки, бошқа кўп ишларимиз қатори, ҳар қайси йилга ном беришда ҳам биз инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, жаҳмиятимизда тинчлик ва осийшталлик, меҳр-оқибат, инсонларварлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўпчилиқни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал қилишни ўзимиз учун устувор вазифа, деб белгилаб оламиз.

Шунинг учун ҳам ҳар сафар халқимизнинг бу масалаларга муносабатини атрофликча ўрганиб, кенг таҳлиллар ўтказамиз, шу тўғрисида жиддий бош қотирамиз. Нега деганда, янги йилга ном бериш ва шу асосда махсус дастур қабул қилиб, уни амалга ошириш шу юрда яшайдиган барча инсонлар учун ҳам ихтимой, ҳам иктисий, ҳам маънавий, қолаверса, сиёсий аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир.

Албатта, ана шу йўналишдаги вазифа ва муаммоларни бир йилда тўла ҳал қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин, бутун эътиборимиз, моддий қуч ва имкониятларимизни бирлаштириб, дастурда белгиланган мақсад сари сафарбар этиш ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиб боришда муҳим омили бўлиши шубҳасиз.

Айни вақтда биз ана шу устувор вазифаларни амалга оширишнинг молиявий манбаларини аввал-бошдан аниқ белгилаб олишимиз даркор.

Бу ҳақида гапирганда, марказий бюджет маблағлари билан бирга, жойлардаги ҳокимият идоралари, нодавлат ташкилотлар, биринчи галда, фуқаролик институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳаллалар, қўлидан амалий иш, амалий қўлаб бериш келадиган инсонларни ҳам шу эзгу

ишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу борада тегишли чора-тадбирларни режалаштириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, тушунтириш, тарғибот-ташвиҳот ишларини кенг йўлга қўйиш ҳам алоҳида ўрин туттади.

Муайян ихтимой йўналишга қаратилган дастури амалга оширишда, энг аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосини атрофликча ўрганиш, яна қандай янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш зарурлигини аниқлаш, бу йилда гов бўлиб турган тўсиқларни олиб ташлаш, керак бўлса, давлат томонидан тегишли имтиёз ва қўшимча имкониятлар яратиб бериш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Албатта, бизнинг эзгу ниетларимиз, орзу-хавасларимиз катта бўлиши ва шунга мос равишда янги йилга қандайдир чиройли номлар ҳам бериш мумкин.

Лекин, ишқ – бошқа, ҳавас – бошқа деганларидек, биз ҳавойи гаплардан узоқ бўлиб, орзу-хавасларимизнинг амалий томонлари, уларни рўёбга чиқариш йўллари ҳақида кўпроқ ўйлашимиз лозим.

Бинобарин, ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз одамларнинг эътиборини жалб қилган, уларнинг кўнглидан чўқур жўз олиб, шу ишга муносиб хисса қўлишга даъват этган тақдирдагина қутилган натижани бериши мўқарар.

Мухтарам ватандошлар!  
Юқорида зикр этилган эзгу мақсад ва интилишларимиз қай тариха амалга оширилаётганини яна бир бор ўзимизга аниқ тасаввур қилиш учун ўтган йилларга қандай ном берганимизни эслаб ўтиш жоиз, деб биламан.

Барчангизга маълумки, 1997 йил юртимизда «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил – «Оила йили», 1999 йил – «Аёллар йили», 2000 йил – «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган эди.

Шунингдек, 2001 йил – «Оналар ва болалар йили», 2002 йил – «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йил – «Обод маҳалла йили», 2004 йил – «Меҳр ва муруват йили», жорий йил эса «Сихат-саломатлик йили» сифатида истиқлолимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Кўриниб турибдики, бу йилларнинг барчаси ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ихтимойий йўналиши билан ўзаро узиш боғлиқ.

Ана шу ишларимизни изчил давом эттириш ва янги босқичга қўтариш мақсадида мен кириб келаётган янги – 2006 йилни юртимизда «**Ҳомийлар ва шифокорлар йили**» деб эълон қилишни тақдир этмоқчиман.

Балки, шу мухташам залда ўтирган сиз, азизлар хомийлик ва шифокорлик тушуначлари бир-бири билан қандай боғлиқ, деб савол қўйишимиз мумкин.

Шу ҳақида гапирганда, аввало, бир фикрга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ҳомийликни шифокорлик билан қиёслаган, одамга шифо бериш билан тенг қўйиш табиий ҳол.

Ҳомий, ҳомийлик деганда биз нимани тушунамиз? Ҳомий дегани – бу, аввало, бор, савобли бўлиш, бегараз ёрдам бериш дегани.

Менинг фикримча, хомийлик ва савоҳат деган тушуначлари бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу муносабат билан муборак ҳадисларда айтилган «**Оллоҳ таоло сажидир, сажийликни севади. Яхшилик қилувчидир, яхшиликни яхши қўради**» деган ҳикматни яна бир бор эслаб ўтмоқчиман.

Ҳомийлик фақат ўз бойлиқидан бир қисмини хайр-эхсон учун ажратиш эмас. Бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Шунга эътиборингизни яна ва яна бир бор қаратмоқчиман.

Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрағидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, **ҳомий деганда, ён-отроғдаги бева-беқорларга, етим-есир, муҳтож кишиларга қўлаб ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга,**

кадрдон кишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз.

Муқаддас Қуръони каримда зикр этилган «**Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзинига шошилинг**» деган ҳикматли сўзларда қандай чўқур маъно борлигини, ўйламанки, барчамиз яхши англаймиз.

Мен баъзан кўп жойларда савоҳатлик, олиҳиммат юртоқдорларимиз, ҳеч қимга овоза ва ошкор қилмасдан, болалар уйларига, муҳтож оилаларга ёрдам бериб, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват кўрсатиб юрганини эшитганда, беихтиёр қойил қоламан.

Бундай савобли ишлар, очиги, ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун одам қандай юксак фазилатлар соҳиб бўлиши керак.

Шундан келиб чиқадиган бўлса, **савобли ва бегараз хомийларнинг қиладиган олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг гаму тавшишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳоҳаманг ва узвий боғлиқ қатнагани тасаввур қилиш қийин эмас**, деб ўйлайман.

Энг катта бойлиғи жондан азиз боласи, жиғарбанди бўлган бечора бир аёл, муштирап онани кўз олдимизга келтирайлик. У кўзининг оқу қораси бўлиши фарзандинга шифо тилаб, керак бўлса, нажот сураб шифокорнинг олдиға келади.

Шифокор эса ўз бурчини бажариб, шу болани даволар экан, ўзининг бегараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариха дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоян эштади.

# Кеча зарар кўрилди, бугун - фойда!

"Қишлоқ ҳаёти"нинг вилоятдаги муҳбирлик бўлимига Олтинқул туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Тоҳиржон Ражапов кўтарилиб келинган. Салом-алиқдан сўнг, у мамлакатимизда тобора кенг қанот ёзган фермерчилик ҳаракатини сўз очди. "Президентимизга, ҳукуратимизга раҳмат, - деди у хурсандчилигини яшира олмай. - Мана энди деҳқон ҳам, мамлакатимиз ҳам бундан-да бой бўлади. Чунки ерлар адолатли танлов асосида ҳақиқий деҳқонларга берилишни давлатимиз раҳбари талаб қилляпти-да!" Тоҳиржонга ўхшаш дил сўзини яшира олмаётган инсонлар шу қадар кўпки, уларнинг гайратини, шаштини кўриб, қувонсан киши.

Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги 215-сонли қарори ва Ҳукумат комиссияси қарорига асосан жорий йилда Андижон вилоятида истиқболсиз, деб топилган 81 та ширкат хўжалиги тугатилмоқда. Қарор ижросини таъминлаш бўйича вилоятда ташкилий ишлар уюшқоқлик билан олиб борилаётган. Биргина пахтачилик-ғаллачилик йўналишида 1593 та лойиҳа тайёрланди. Бу 66536 гектар суғориладиган майдон демакдир. Иш бошланган чоғда бироз тушунмовчилик юзага келиб қолди. Эмишки, "Кимнинг пули кўп, бой бўлса, уша фермер бўлармиш".

Тоҳиржон Ражапов Олтинқулнинг донгдор деҳқонларидан бири. У кўп йиллар мобайнида бригада бошлиғи, бош пудратчи бўлиб ишлаган. Ерга меҳри тушганлиги боис фермер бўлиш учун югур-югурдан қарчамади. Дастлаб унга 1 гектар ер беришди. Ишни қўйиллатиб қўйди. Бироз танаффусдан сўнг, ери 4 гектар бўлди. Натижалар янада юқори. Кейин тагин 1 гектар, шу йил баҳорда эса 2 гектар ер қўйиб беришди. Қайсарлигининг "мукофоти" бўлган бу имконият Тоҳиржонни асло қониктирмади. 3 гектар ердан 91 центнердан дон янчиб олди. Шундан 17 тоннаси ўзига қолди. 4 гектар ерда эса ғўза парваришлаб, ҳосилдорлиқни салкам 55 центнерга етказди. Шартнома бўйича 13,2 тонна ўрнига 21,9 тонна юқори нав пахта соғди. Оз ердан шу қадар саз ҳосил етиштираётган Тоҳиржон Ражаповнинг энди даста узун. Ўзига яраша керакли техникаси бор. Фақат унга қулочни кенг олиш учун ер бўлса бас.

Деҳқон "бизники" деган гапдан безиган, - дейди у. - "Меники" деган тушунча эса унинг ерга бўлган меҳрини ловуллапти. Ўзимдан қийс. Фаолиятини кенгайтириш мақсадида камиди 50-60 гектар ер олишни ҳисоб-китоб қилиб, ариза бердим. Гап фермерликка давogarларнинг энг муносиблари танланишида. Тоҳиржон сингари танлов комиссиясига мурожаат этаётган деҳқонларнинг сафи кенг. Айниқса, танлов ҳақидаги янги Низомнинг амалга киритилганлиги нур устига нур бўлди. Фермер бўлсамми, бўлмасамми, дея иккила-

ниб турган минглаб деҳқонлар ҳужжат тайёрлашга шўнғиб кетишди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, эски Низом амалда бўлиб турган 28 ноябр ҳолатига 1593 та лойиҳага 1024 та ариза тушган эди. Бу - ҳар бир лойиҳага ўртача 0,6 тадан ариза дегани. 7 декабр ҳолатига эса бу кўрсаткич кескин ижобий томонга ўзгар-

## ЕР ЭГАСИ ЭРТАГА КИМ БЎЛАДИ?

ди. Аризалар сони 3640 тадан ошиб кетди. Кўпгина хўжалиқларда битта лойиҳага тушган аризалар сони 6-7 таданга тўғри келмоқда. Бунинг сирини шундаки, мамлакат бўйлаб "Ер эгаси эртага ким бўлади?" деган масаланинг кўн тартибига чиққанлигида.

Андижонда илгари фермерчилик ҳаракати га етарлича эътибор берилмагани айти ҳақиқат. 2004 йилда вилоят деҳқончилигида фермерлар улуши атиги 19 фоиз бўлганиги фикримизнинг тасдиғидир. Жорий йилда эса, бу кўрсаткич тугатилган 28 та ширкат хўжалиги ўрнига ташкил этилган фермерлар ҳисобига 29,7 фоизга етди.

Вилоятда биринчи бўлиб Улугнор тумани тўлиқ фермерликка айлантирилди. Бу янгиликнинг баъзи бир жиҳатларига тўхталсак, фойдадан холи бўлмайди. 2003 йилда ширкат хўжалиқлари ички сув насослари учун 16,4 миллион киловатт электр энергияси ишлатишганди. Фермерлар бор-йўғи 2 миллион 996 миңг 800 киловатт соат электр энергияси ишлатишди. Мулкдорлар бунинг учун электр ҳисоблагич ўрнатилди. Шу каби ресурслардан бесамав фойдаланиш тўғрисида мазкур туманда ҳар йили 1 миллион сўмдан зиёд зарар бўларди. Жорий йилда эса салкам 2 миллион сўм фойда кўрилмоқда. Ҳосилнинг кўпайганлиги ва сифатининг ортанглиги бир томон, тежамкорлик эса яна бир томон бўлдики, фермерликнинг йўли ойдин эканлиги ойдек равшан бўлди.

Бугун қайси бир тугатилётган ширкат хўжалиқлари идораларига бориб қолсангиз, деҳқонларнинг баҳо-мунозараларига ғувоҳ бўласиз. Энг муҳими, улар ўзларига яратиб берилаётган имкониятдан бехисоб хурсанд эканликларини яширишмаяпти. Ишончимиз қомилки, ер билан бемалол сўзлаша оладиган деҳқонлар бу ернинг эгаси бўлишлари билан иқтисодий натижалар салмоғи янада юқорилаб бораверади. Бунга ҳозиргача тугатилган ва улар ўрнида эндигина фаолиятларини бошлаган мингдан ортиқ фермерларнинг бир йилда эришган натижалари ғувоҳ.

Кобилжон АСҚАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда мулкчиликнинг фермерлик шакли энг муҳим ва самарали усул эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Мамлакатимизда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжалиқлари босқичма-босқич тугатилиб, ер майдонлари танлов асосида ташкил этилаётган фермер хўжалиқлари ихтиёрига берилмоқда.

Лекин фермерларга ер участкалари берилишида, танлов қоидаларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очик ва ош-

қора танловларни ўтказишда айрим танлов комиссиялари томонидан адолат мезонлари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Аслида ер ажратиш, уни тақсимлаш, бу масалага ҳаммиша масъулият билан ёндашишни, ҳолис ва адолатли бўлишни талаб этади.

Шу ўринда Юртбошимизнинг ерни ҳақиқий эгасига топшириш борасида ҳақиқат ва

# Қаллобликнинг пайи қирқилсин!

адолат тамойилларига қатъий амал қилиш зарурлиги ҳақидаги гаплари нечоғли ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини тейрандор англаймиз.

Афсуски, ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш бўйича жойларда ташкил этилган айрим комиссиялар томонидан адолат мезонлари бузилмоқда.

Масалан, Каттақўрғон тумани ҳокими томонидан тумандаги "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги негизда фермер хўжалиқларини ташкил этиш тўғрисидаги қабул қилинган қарор бўйича танлов комиссияси тuzилди. Комиссия раиси этиб туман ҳокимининг иқтисодий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ф.Зоиров, раис ўринбосари этиб "Янги ҳаёт" ширкат хўжалигининг собиқ раиси Ж.Жумаев ва 23 нафар аъзодан иборат танлов комиссияси тuzилди.

Танловда ширкат хўжалигининг 890 гектар ер бўлажак фермерларга тақсимланиши керак эди. Комиссия ўзига ор-

тиқча ташвиш орттирмастикнинг антиқа йўлини ўйлаб топди. Танловда гари, яқин қариндошларнинг қатнашиши мумкин бўлма-са-да, танлов комиссияси раиси ўринбосари Ж.Жумаев ва унинг ўқаси Б.Жумаев талабгорлар сифатида қатнашишди. Комиссия томонидан фермер бўлман, деган бошқа талабгорларнинг қатнашиши таъминланмади. Қаллоблик ва сохталик билан тўпланган 50,2 балл билан Ж.Жумаев голиб, деб топилди. Ахир ундан бошқа қатнашувчи бўлмагандан сўнг ундан бошқа ким ҳам голиб бўларди?!

Шундан кейин туман ҳокимининг қарори билан 890 гектар ер майдони Ж.Жумаевга қонуний ажратиб берилди.

Бу "ҳиммат" ва "сахийлик" етмаганидек "Янги ҳаёт" ширкат хўжалиги ҳисобидаги 20,4 миллион сўмлик техника воси-

талари ҳам ҳеч бир қарор ва тўловсиз гайриқонуний равишда Ж.Жумаев раҳбарлигидаги "Оби ҳаёт Ж.Ж.М" фермер хўжалигига ўтказиб берилган. Аслида бу техникалар билан шу ҳудуддаги фермер хўжалиқлари хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор саройи тuzилиши лозим эди.

Ж.Жумаевнинг фермер хўжалиги қонуний равишда қатта ер майдонига ва зарур техника воситаларига эга бўлса-да, амалий ишга келганда "қовун туширди". Жорий йилда фермер хўжалиги пахта топшириш шартномавий режасини зўрға 43 фоизга бажарди.

Эсиз шунча ер, шунча техника. Агар бошида танлов комиссияси масалага пахта ва вискондон ёндашганда эди, қаллобликнинг пайи қирқилган, ер эса ҳақиқий эгасига топши-

рилган бўларди. Бугун ерни тендер асосида танлов йўли билан тарқатишни ошқора тарзда ўтказишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Зотан, ерни кимга бераётганини, ризқ-рўзимиз манбаи кимнинг қўлига ўтаётганини билмасдан, унинг масъулиятини етарлича ҳис қилмасдан бу ишга бош-қош бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Анвар СУБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қишлоқ хўжалик соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси, Абдураззок КАРИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

## Қўлланма керакми? Марҳамат!

Халқаро ривожлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилётган Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қувватлаш Дастури, Таълимни Ривожлантириш Академияси, "WINROCK" INTERNATIONAL ташкилоти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида "Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида "Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" номи китоб 50000 нусхада чоп этилди. Бу китобда мамлакатимизда фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фермер хўжалиги ташкил этиш тартиблари, фермер хўжалиги фаолиятида банк, суғурта, кредит, солиқ масалалари ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузадиган шартномавий муносабатлар тўғрисида атрафлича баён этилган. Шунингдек, китобдан "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири, фермер хўжалиқлари тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларнинг Низомлари ва намунавий нусхалари ҳамда фермер лугати ўрин олган. Уйлаймизки, ушбу китоб фермерликни озу қилаётган, қолаверса, ушбу фаолият билан анчадан бери шуғулланиб келаятган ва барча қишлоқ хўжалиги ходимлари учун муҳим қўлланма бўлиб қолади.

"Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари" китоби фермерларга, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва талабаларга бепул тарқатилади. Мурожаат учун манзил ва телефонлар:

Тошкент, 700070, Богидил/Мироқиров 1-тор кўча, 44/1  
Телефон/факс: + 998 71 152-29-48  
Телефон/факс: + 998 71 152-13-69  
Телефон/факс: + 998 712 55-90-73  
Email: winrock@wuaspu.z

Тошкент шаҳридаги "Ал-Абдураул" хусусий корхонаси "Ал-Абдураул" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда. Даволат эълон чоп этилган қундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ООО "НОММЕХ" регистриворанний в Мирабодском районе г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда от 154789000 сум до 33000000 сум.

## Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

### Чора кўрган доғда қолмайди

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 ноябрда қабул қилинган 493-ф сонли фармойишига асосан мамлакатимиз ҳудудида "Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" давом этмоқда.

Шу муносабат билан қишлоқ ташкилотлари раҳбарларига мурожаат этиб, янгидан тикланган ва таъмирланган масканларда ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилинади, ёнгин содир бўлишининг олдини олиниб, юрт бойлиғи асраб қолинади, деймиз.

Ёнги янги олинган олиш учун хавфсизлик қондаларига риоя қилиш айти муҳимдир. Қурилиш майдонларини ёнғичи чиқиндилардан ҳар доим тозалаб туриш талаб этилади. Электр тармоғи сақлагичларига қўлбола симлар ўрнатилишига, олов ёқилишига йўл қўймаслик зарур.

Қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, вагон ва бошқа тақиланган жойларда тамаки чекиш, вагоннинг тахта деворларига электр улагичлар ўрнатиш тақиқланади. Вагондан чиқиб кета туриб, электр тармоқлари ўчирилиши шарт. Кислород баллонлар, бўклар, карбид, ёғоч-тахта материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик керак.

Қурилиш ҳудудида болаларнинг ўйнаб юришлари ман этилиши, ўт ўчириш воситалари билан таъминлиши, электр-газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда ёнгиндан сақлаш постлари қўйилиши талаб этилади. Маъбодо ёнгин содир бўлса, 01 рақами орқали хабар беришда манзилни тўлиқ ва аниқ айтиш теъорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жалол АСҚАРОВ, Миробод тумани ИИБ ЕХБ инспектори.

# Азиз Ватандошлар!

Барчангизни улуғ байрамимиз Конституция куни билан самимий муборакбод этамиз. Оилаларингизга осойишталик, тўкин - сочинлик тилаймиз. Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатларингиз самарали бўлсин.



## Харидорлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар гулқамига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2002 йил 13 ноябрдаги 391-сонли "Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва 2005 йил 26 ноябрдаги 04-5-64 "ХФУ" сонли баёнига биноан шу йил 15-17 декабр кунлари Тошкент шаҳар, Хўжаев кўчаси,

1-уйда жойлашган "Ўзбекистон" теннис клуби биносидан "Озиқовқатсаноат", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзгўштсаноат" уюшмалари, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" акционерлик компаниялари ва хусусий тадбиркорлар томонидан 2006 йилда ишлаб чиқариладиган сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига республика ҳудудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

## Ярмаркага марҳамат!

"Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси

Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Телефонлар: 139-46-97, 139-48-26, 139-49-00, 139-43-66



Ҳамма макон ва замонларда ҳам инсоният об-ҳаёт билан тирик. Буни барча билади, лекин унинг қадрига етганимиз? Гап ана шунда! Сир эмас, республикада сув ресурслари чекланган. Аҳоли сонининг йилдан йилга ошиб бориши сувга бўлган эҳтиёжнинг ҳам сезиларли даражада ортишига сабаб бўлмоқда. Аслида санаят, энергетика, коммунал хўжалиги, ҳушлас, қайси соҳа бўлмасин, уларнинг фаолиятини ривожлантириш айнан сув билан боғлиқ. Олам сув билан мунавар, деб бежизга айтишмайди-да.



Чиндан ҳам юртимизнинг гўзаллиги об-ҳаёт билан янада кўркамлашади. Бирок ана шу сувнинг маълуши бир қисми сугориши пайтида исроф бўлаётгани ҳам сир эмас. Ўз навбатида, сувнинг анча қисми еросоти сувларига қўшилиб, унинг юқорида кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

шартнома имзолаб, 345 миллион м<sup>3</sup> (белгиланган миллиметрдаги) сув ўрнига 440 миллион, м<sup>3</sup> сув етказиб берди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ва истикболсиз, деб топилган ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизда мулкчиликнинг янги шакли бўлиши фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда, - дейди Зарафшон ирригация тизимлари хавза тизим бошқармаси таркибидagi "Кармана Коинимех" ирригация тизим бошқармаси бошлиғи Фахриддин Ражабов. - Уларга хизмат курсатуви инфранишоотларининг техник ишонч-

дираб, каналларда тўлқинланиб оқаётган об-ҳаёт табииётини бебаҳо иноми, битмас-туганмасдек туюлаверади. Аслида ундай эмас.

Фахриддин Ражабовнинг эътирофи эитишча, сувдан фойдаланишнинг бозор иктисодиёти принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиши ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида янги техника сиёсатини ўтказиш, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш, ирригация тизимлари ва сув хўжалиги инфранишоотларининг техник ишонч-

Бoшқарма вилоятнинг 54200 гектар майдонини мунтазам равишда об-ҳаёт билан таъминлаб келаяпти. Жумладан, Хатирчи туманининг 2500 гектар, Навбахорликларнинг (тўлиқ) 25480 гектар, Коинимехлик деҳқонларнинг (тўлиқ) 4900 гектар, Қизилтепа туманининг 4150 гектар, Кармана туманининг 12560 гектар, Зарафшон дарёси сувлари хамда Нурота туманининг 4560 гектар майдонига ер ости сувларини етказиб бермоқда.

та ва галла етиштириш режалари ошириб уддаланди.

Бoшқармада фаолият кўрсатаётган 226 нафар мутахассислар 10 та участкаларга бўлиниб, 305 чакирим хўжаликлараро ва туманлараро каналларда ҳамда 88 километр узунликдаги Зарафшон дарёси ва 78 километр сел йўлларида иш олиб боришади. Хозирги кунда миробларга жудаям катта бир масъулият сувад а н т е - ж а б, оқилона фойдаланиши оқтилди. Бoшқармада миробчиликнинг намунали тажриба мактаби яратилган, десак асло муболага қилмаган бўлаемиз. Ям-яшил далаларини об-ҳаёт билан таъминлаб келаятганлар орасида ўнг соҳил канали СФУ раиси К.Султонов, Коинимех канали СФУ раиси М.Каримов, Узилишент СФУси раҳбари Р.Душанов, Кармана туманидаги Чапсочил СФУси раиси А.Маматовлар бор. Бундан ташқари Ж.Умаров, Х.Абдуллов, И.Қодиров, З.Назаров, И.Очилов, Ф.Шодмонов, Ш.Туробов, Х.Мухаммадулловлар сингари мироблар номини вилоятда кўпчилик ҳурмат билан тилга олишади.

Умримнинг кўп вақти мироблик ортидан ўтди, десам асло хато қилмаган бўламан, - дея сўхбатга қўшилиб тажрибали мироб Б.Душанов. - Аслида ер, сув инсоният бойлиги. Уни асраб-авайлашимиз, келгуси авлодларга ҳам етказишимиз керак бўлади. Биласиз, мироблик игна билан қудуқ қазишдек ўта мураккаб иш. Чунки қадим-қадимдан ота-боболаримиз миробларни эъзозлаб келган. Бу касбнинг ноии қаттиқ. Шу касбсиз ҳаётимни тасаввур эта олмаман, десам ишонасизми?

Шунинг учун бошқармада ишловчилар доимо ҳушёр ва ўз ишларига масъулият билан ендашадилар. Айна дамда бошқарма ходимлари қишлоқ хўжалигининг мавсумий юмушларини ўз мuddатларида бажариб, келгуси экин-тикин ишларига пухта замин яратишга бел боғланлар. 4 та экскаватор ҳамда 1 та бульдозер арик-зовурларни тозалаш ишларига жалб қилинган. Шу билан бирга, туманлардаги 23 та истеъмолчиларга 205 миллион м<sup>3</sup> сув етказиб бериш режалаштирилган. Бу юмушлар бошқарма раҳбариятининг доимий эътиборида.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сувдан оқилона фойдаланиш муаммосини бошқа кўлаб давлатлар ҳам ўз бошидан кечирган. Уни олдини олишнинг дебочаси одамлар дунёқарашини, тафаккурини ўзгариштиришдир. Сув битмас-туганмас неъмат, уни хоҳлаганча ишлаши мумкин, деган қандайдан воз кечилишимиз керак. Бу вазифани Кармана-Коинимех ирригация хавза тизими бошқармаси ходимлари яхши билишади. Улар хозирда сувдан фойдаланиш муносабатларини қатъий тартибга келтириш чораларини қўришмоқда. Мақсад битта. У ҳам бўлса истеъмолчиларга бу неъматлар қадрига етишни ўргатиш.

Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

# Ишончли ҳамкор

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда техника таъминотини яхшилаш катта аҳамиятга эга. Бу борада хорижий ва МДХ давлатлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Шу маънода, ҳамдўстлик давлатлари орасида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўйича етакчи ўринларда турадиган бир қанча корхоналарни ўзиди жамлаган "Агромашхолдинг" компанияси билан ҳукуматимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани айни мuddао бўлди.

Йиллардан бери давом этиб келаяпти. Сунгги уч йил ичида Волгоград трактор заводидан 1126 та трактор сотиб олинди.

Шу йилнинг феврал ойида пойтахтимизда "Агромашхолдинг" ваколатхонаси очилди, - дейди биз билан сўхбатда компаниянинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари ўринбосари А.Назиров. - Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қийматга тенг 2,5 миллион АКШ долларига етган "Енисей" қўмбанди олиб келиб берилди. Бўхоро ва Фарғона вилоятларида қўмбанди олиб келишга раҳбарлик қилган "Агромашхолдинг" компанияси билан ҳукуматимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани айни мuddао бўлди.

Мазкур компания ҳақида айни оғиз суз. 2003 йилнинг барида мазкур компания таркибига Красноярск, Орёл ва Харьковдаги санаят корхоналарини ўзиди бirlаштирган Красноярск қўмбанди заводи, Волгоград трактор заводи, Олтой мотор заводи, Қўстанай дизел заводи сингари йирик корхоналар кирди. Хозир "Агромашхолдинг" корхоналарида 20 мингга яқин киши меҳнат қилади. Компаниянинг йиллик айланма маълумати 230 миллион АКШ долларига тенг. Россия ва Қозғоғистонда унинг ўн олтинчи филиали фаолият кўрсатаётди. Компанияга қарашли Красноярск қўмбанди заводи Красноярск, Низарева ҳамда Сибирьдаги бир қанча заводлар негизда ташкил этилган. Бу ерда дон ва пичан ўримиға мўлжалланган "Енисей" қўмбанди, турли эҳтиёт қисиняси корхоналари хозирги кунда Россия миқёсида қўмбандиларнинг 70 фоизи, қишлоқ хўжалиги тракторларининг 65 фоизи, аграр техникалар учун дизелли муҳаррикларнинг 65 фоизини етказиб бераётди.

## ИЗЛАНИШ

Йўлсозлик техникалари учун зарур бўладиган турли ҳаждаги ва турлича қувватга эга двигателлар ишлаб чиқариш бўйича 1956 йилдан бери фаолият юритиб келаятган корхонада йилга ўртача 20 минг дон мўхталиф двигателлар тайёрланади.

"Агромашхолдинг" компанияси корхоналари хозирги кунда Россия миқёсида қўмбандиларнинг 70 фоизи, қишлоқ хўжалиги тракторларининг 65 фоизи, аграр техникалар учун дизелли муҳаррикларнинг 65 фоизини етказиб бераётди. Мамлакатимиз ва "Агромашхолдинг" компанияси ўртасидаги ҳамкорлик узоқ

йиллардан бери давом этиб келаяпти. Сунгги уч йил ичида Волгоград трактор заводидан 1126 та трактор сотиб олинди.

Шу йилнинг феврал ойида пойтахтимизда "Агромашхолдинг" ваколатхонаси очилди, - дейди биз билан сўхбатда компаниянинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари ўринбосари А.Назиров. - Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қийматга тенг 2,5 миллион АКШ долларига етган "Енисей" қўмбанди олиб келиб берилди. Бўхоро ва Фарғона вилоятларида қўмбанди олиб келишга раҳбарлик қилган "Агромашхолдинг" компанияси билан ҳукуматимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани айни мuddао бўлди.

Барча қизиқувчилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, ширкат ва фермер хўжалиги раҳбарларига ваколатхона манзили ва телефонларини маълум қилаемиз:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй. 207, 208, 209-қоҳоналар. 144-61-55, 144-61-70, 144-60-74 (факс) телефонларига мурожаат қилишнинг мумкин.

Х.РАСУЛОВА уюштирди.



## ИСЛОҲОТ

тузилмаларни ривожлантиришга эса алоҳида эътибор қаратилган. Тугатилган ширкат хўжаликлари ҳудудиди сув хўжалиги муносабатларини йўлга қўйиш учун ҳукуматимизнинг 2002 йил 8-сонли қарори билан сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ)ларни ташкил этиш тартиби ҳам тасдиқланди. Ушбу тартиб асосида вилоятимизда кўлаб СФУлар ташкил қилинди. Афсуски, тан олиб айтиш керак, ҳали бу уюшманин мазмун моҳиятини, нима мақсадда тузилганини, унинг вазифалари нималардан иборат эканлигини, қандай ваколат доирасида иш юритишини кўпчилик фермерларимиз яхши англаб етишмаяпти, менимча. Шунинг учун бу борада тарғибот ва ташвиқот, тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш даркор. Шунда биз фермерлар қалбиди ризик-рўзимиз, бебаҳо мўъжиза, тириклик манбаи об-ҳаётга бўлган муносабатини ўзгаришга бўлардик. Тан олишимиз зарур, сувға муносабат масаласида дунёқарашимиз ҳали унчалик шаклланмаган. Шу бoис теварагимиздаги анҳорларда шал-

лигини таъминлаш, хавза ҳудудиди сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш, сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини юритиш сингари аниқ вазифалар бошқарма фаолиятининг ўзгини ташкил қилар экан.

Хавза бошқармаси тизимиди бугунги кунда 82850 гектар пахта, 125745 гектар галла, 442870 гектар қишлоқ хўжалиги ва томорқаларда сугориш ишлари амалга оширилди. 23 та бирламчи истеъмолчилардан 18 таси сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 5 таси эса ширкат хўжаликларидир.

Бошқармада доимий тарзда сугориш ишларида мониторинг ўтказиб турилади - дейди тажрибали ходим Камолддин Разақов. - Ҳар бир истеъмолчиға, сугориш технологияларини ишлаши, ички сугориш тармоқларидан фойдаланиш, гидропеллет қуриш ҳақида ўқув машғулотлари ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилди. Оғир участкаларга малакали мутахассислар жалб этилмоқда. Натижда, вилоятда пах-

# Сифатли маҳсулот - фаолият кўзгуси

Ўзбекистон ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига тобора дадил кириб бермоқда. Мамлакатимизнинг турли шаҳар ва туманлариди корхоналарнинг тамғаси туширилган хилма-хил санаят маҳсулотлари олис ва яқин хорижда тобора харидорлиқ бўлиб бораёпти.



Бу жараёнда "Мархамат-электротехника заводи" очик акциядорлик жамияти ҳам то-

мувофиқ маҳсулотларимизни етказиб беришга эришдик. Дарҳақиқат, бугун корхона

Натижада, корхонамизнинг молиявий аҳоли тобора барқарорлашиб бораёпти. Кекса ишчилардан қилангар Қизилархон Эгамова билан Халима Ортикова ҳам шу фикрда.

Ҳар бир ишни сифатли, тежамли бажариш одат тусига кириб борапти, - дейди Халима оша. - Ой сайин 40-50 минг сўм маош олиб туришимиз.

Меҳнат жамоасининг шиори шундай: "Фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз!" Барча имкониятлар шу мақсадга хизмат қилаяпти. Банк кредит ва пул маблағларини конвертация қилиш соҳаларида яратилган имтиёзлардан оқилона фойдаланиш ҳам

жариш юзасидан истиқболли дастур ишлаб чиқилган ва аниқ режалар белгиланди. Шу асосда қисқа мuddатда ана тўрт хил маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чунончи, "Нексия", "Матиз" ва "Дамас" автомобиллари учун эшик ойналарини кўтариб-туширувчи механизмлар, "Нексия" автомобилли учун қўлф ва илгичлар бугун Мархаматда ишлаб чиқарилапти. Бу жараёни яна ҳам кенгайтириш меҳнат жамоасининг асосий мақсадига айланган. Қўлгина маҳсулотларга Россия Федерациясида ҳам сертификатлар берилди. Маҳсулотларининг рақобатбардошлиги кўтарилаётганини туғайли Россия ва Украина бозорларида ҳам мархаматликларга тобора кенг йўл очилаёпти.

Ишлаб чиқариш равнақ топиб, экспорт ҳажмлари ошгани сари корхонада меҳнат шариоити яхшиланиб, ишчи-хизматчиларнинг саломатли-

мақсадларига тобора кўп маблағ ажратилаёпти. Ишчилар ҳар кун тегишлича сут ва катик олишади. Ишчи ва хизматчиларға республикамиздаги санаят ва қурутларда даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар берилаётди. Хозирги пайта корхонанинг ўз санаятини ва пансионатини ташкил этиш ишлари бошлаб борибди. Бу сикатгоҳда ич касалликлари, аёллар маслаҳатхонаси, жаррохлик илтиросликларига бўйича беморларга малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мўлжалланаётди. Ундан ташқари, малакали ташвиз маркази ҳам ташкил этилмоқда.

Корхонада маънавий-маърифий ишлар ҳам қизғин олиб борилаётди. Ҳар бир ишловчи ўз корхонаси барқарор ишлаши, ижтимоий ҳаётдаги барқарорлиги ўз турмушини яхшилашни боришининг асоси, деб билади.

Анджонда юз берган қўкламги воқеалар ҳаммамизнинг кўзимизни очди, - дейди қилангар Ҳақима Ҳамидова. - Ҳеч қандай уришишлар, террорчилик ҳаракатлари бизни танлаган йўлимиздан қайтара олмайд.

Мархамат электротехника корхонаси барқарор ривожланиш йўлидан ишонч билан бермоқда. Ишчи-хизматчиларнинг жонқурлиги, раҳбар ва мутахассисларнинг ташаббуси ва изланишлари бунга ишончли асос яратаяпти.

Х.ШАМШИЕВА

бора фаол иштирок эта бошлади. Фақат шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида унинг тамғаси туширилган 160 минг АКШ доллар микдориди маҳсулот асосан Россия Федерацияси ва Украинаға сотилди. - Бу мўлжалдаги катта-катта режаларни амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадамимиздир, - дейди бош директор А.Тўрабоев. - Хозирда асосий эътиборни паст кучланишли электр ускуналарини кўлаб ишлаб чиқаришга, маҳсулот сифатини оширишга қаратмоқдамиз. Корхонамизда кўлаб ишлаб чиқарилаётган рубль-никлар, сақлагичлар, ажратиб-ўйригичлар, ўчириб-ёқувчи қнопчалар ва шунга ўхшаш асбобларға "Ўзбекэнерго" Давлат акциядорлик компанияси тизимиди электр тармоқлари корхоналарида, аҳоли ўртасида талаб катта. Биз ўн ойлик ишлаб чиқариш режасини ортиғи билан бажариб, истеъмолчиларға тузилган шартномаларға



хом ашё маҳсулотларини қидириб топиб, ишга солишга катта эътибор қаратила бошланди. Натижда, маҳсулотларини янги-янги турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилапти. Хозирги пайта корхонада Вазирлар Маҳкамасининг "ЎзДЭУавто" ёпиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган автомобилларға бутловчи қисмларни етказиб беришни маҳаллийлаштириш тўғрисидаги қарорини ба-

# Кўёш энергияси - сиз учун қулай

Хозирги кунда экологик тоза ва қулай кўёш энергиясидан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратишмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, кейинги 15-20 йил ичида алтернатив энергия манбалари Кўёш, шамол ва биомассалардан фойдаланиш кенг қўламада йўлга қўйилади.

Айни кунларда ҳам дунёнинг турли мамлакатларида кўёш энергиясидан фойдаланиш оддий қўлаб айланган. Масалан, Исроил мамлакати ҳудудиди 80 фоиз аҳоли суви кўёш батареялари ёрдамида иситади. АКШда 60 фоиз чўмилиш хавзаларини иситишда кўёш энергиясидан фойдаланилади.

Европа ва Осиё китъасида минглаб корхоналар кўёш батареяси ишлаб чиқариш билан шуғулланишмоқда. Дунё миқёсида ўрнатилган бундай иситкичлар майдони 50 миллион квадрат километри ташкил этади. Бу бир йилда 5-7 миллион тонна аънавий ёқилғи турларини тежаш имконини беради.

Экологик тоза ва қулай, тежамкор кўёш энергиясидан фойдаланиш ўлкамизда жуда фойдалидир. Шу жиҳатдан "Баракә ютук" маъсулияти чекланган жамияти сизларға кўёш нури орқали сув иситкичларни тақдир этади.

Кўёшли сув иситтич сув бочкаси, шишали стерженлар ва тутқичлардан иборат. Сув бочкаси зангламайдиған пўлатдан ишланган ва юқори частотали сварка билан пайвандланган.

Унинг термос услубида ясалганлиғи суви узоқ вақт иссиқ ҳолатда + 30 даражаға бўлган юқори ҳароратда + 96° градусда, -40° даражаға совуқ ҳавода 50-60° даражада ушлаб туришга ёрдам беради. Бочкада турли мақсадлар учун туїнуқлар қолдирилган. Фойдаланувчи ўз хоҳишиға кўра иссиқлик кўрсаткичи, ёрдამчи электр иситтич, сув микдорини автоматик равишда назорат қилувчи пўкакли клапан ўрнатиши мумкин.

Иссиқлик кўрсаткичиға қараб, сув иситтигини уйдан турли ёки ички ёки ўчириш мумкин. Ёрдამчи электр иситтич булутли ва ёғинли кунларда сув иситишда қўлланилади.


Водопровод тармоғиға уланган пўкакли клапан сизни бочкаға эрталаб ёки кечқурун сув тўлғазиш муаммосидан халос этади. Кўёшли сув иситтич очик майдончаға ёки томға кўёш нуриларини қабул қилувчи томони билан жанубға қаратилиб ўрнатилади.

Маҳсулотнинг йилғирма беш йиллик қафолат мuddати бор.

Бизнинг манзилимиз: (+99871) 398-49-48; (+99871) 148-19-06; (+99871) 148-17-44 e-mail: baraka\_yutuq@mail.ru

Телефонлар: (+99871) 398-49-48; (+99871) 148-19-06; (+99871) 148-17-44 e-mail: baraka\_yutuq@mail.ru

Уста Ширин кўчаси, 2-уй. (Мўлжал Жомий майдони)



**Бугунги кунда буюқ аждодларимиз ақл-заковати, тафаккурининг тибсоли бўлган тарихий обидалари асраб-авайлашга катта эътибор қаратиляпти. Ҳаётининг тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган осори-атиқалар қаршида бир зум уйга чўшиб, рўҳингиз тетиклашади, дилингизни гурур хисси чулғайди.**

Қарши шаҳрида ҳам XV-XVI асрларда гўзал мезморий ечимга эга бўлган кўп қабатли тарихий обидалар барпо қилинган. XVI аср охирида шайбонийлардан Абдуллахон II (1534-1598) ҳукмронлиги даврида бу шаҳарда Кўкғумбаз жоме масжиди бунёд этилди. Тарихчи олимларнинг таъкидлашича, Кўкғумбаз ҳайит намозлари учун уйланган бўлиб, унда одамлар йилга икки марта – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари маросимларида тўпланишган.

Масжид биноси усти гўмбаз шаклида бўлиб, асосий бош хона – хонақоҳ ҳамда унинг икки ёнидаги чап ва



**Кўкғумбазнинг сирли кошчинлари**

ўнг қанот қисмларидан иборат. Бинонинг энг асосий қисми – хонақоҳда намозхоналарга қибла томонини белгилаб берувчи меҳроб жойлашган. Шунинг учун ҳам

ларда мовий, кўк, зангори ва оқ рангли кошчинлар ҳамда силкиланган гишлар ишлатилган. Шу эриқ кекса отахонлар аввалги ёзувларда масжиднинг қурилган йили –

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Қарши шаҳридаги бошқа тарихий обидалар қатори Кўкғумбазда кенг қўлмада бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Эндиликда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан Кўкғумбаз масжидида йirik хажмада қайта таъмирлаш ишлари бошлаб

**Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига**

рени қўллашга интиляди. Бундан материаллар билан бинони асл ҳолатидагидек таъмирлаш мураккаб жараён, албатта. Кўкғумбаз масжидининг асл гишлари ва турли рангдаги кошчинлар беш асрдан буён сақланиб келинмоқда. Масжид умрини яна шу каби мудатта узайтириш учун уни худди шундай гишт ва кошчинлар билан таъмирлаш зарур. Аммо ўша даврдаги гишт ишлаб чиқариш технологиялари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Айрим кошчинларнинг нимадан ясалганини ҳозир ҳам сирлигина қолмоқда. Гишт ва кошчинлар "қонигил", "гулмия", дея аталуви ёпишқоқ тупроқ аралашмаси билан терилган боис, бундай иморатларнинг умри V-VI асрга тенг бўлиб келди.

–Кўкғумбаз 1590 йилда ҳашар йўли билан қурилган, – дейди вилоят тарихий обидаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати бошлиғи Дамир Сайфулин. – Уни таъмирлашда ҳам тарихий

умумхалқ ҳашари давом этмоқда. Хусусан, гишларни Шаҳрисабз шаҳридаги "Мерос" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари етказиб бериляпти. Масжид меҳроби Тошкент шаҳридаги "Ижод" фирмасида нусха кўчирилган кошчинлар билан зийнатланмоқда. Уймакор нақш солинган ёғоч устунлар ва уларнинг мармардан ясалган пойдевори тошкентлик ҳамда самарқандлик усталар ижоди махсулидир.

Тарихий обидаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратиляётгани катта-ю кичик қашқадарёликларни гоят қувонтирмоқда. Ҳукуматимизнинг миллий ва маданий меросимизни асраб-авайлашга бўлган катта ғамхўрлиги тўғрисида яна бир қадимий ва навиқрон шахар бўлган Қарши обидаларини қайтадан обод ва нақшонкор тарзда кад ростламоқда.

**Фахридин БОЗОРОВ,**  
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

**SPORT O'LAMIDA**

**Кутиб олинг, спорт ҳафтаси**

Мутахассисларнинг қайта этишларича, ўтаётган ҳафта сўнгги беш йил мобайнидаги энг спортга бой ҳафта сифатида тарих зарварларидан жой олиши мумкин экан. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, мазкур ҳафта спортсеварлар эътиборини торта оладиган бир қатор ҳажолини ҳамда сервизак ўрашувлар, халқаро турнирлар, халқаро кубоги учун ўтказилган турфа мусобақалар ва... 2006 йили футбол бўйича Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига қўрва ташлаш маросими билан ёнда қолиши кутилмоқда. Агар спорт ҳафтаси наларни тақдим этишига қизиқсангиз, ўшбу саҳифа сиз учун аталганига ишонч ҳосил қилишингиз аниқ.

**Автопойга**

Автопойгалар тарихида янгилик: илк маротаба ўтказилаётган жаҳон командалари Кубоги-A1 GP сериали мусобақаси авж паллага кирмоқда.

Мазкур мусобақада дунёнинг ўттиздан ортиқ тарма жамоалари босқинча-босқинчи гўлиб-гўлиб учун кураш олиб борадилар. Ҳозирга қадар турнирнинг беш босқинчи якунига етган бўлиб, умумжамоа ҳисобида Буюк Британия вакиллари пешқадамлик қилмоқдалар. Россия тарма жамоаси аъзолари эса учинчи босқинчидан сўнг қўзда тутилган очколарни жамғаролмаганликлари сабабли мусобақадан четлаштирилди. Яқшанба кўни Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган олтинчи босқинчи – Toyota сериалида ҳам уларнинг иштирок этмаслиги маълум қилинмоқда.

A1 GP сериали Жаҳон кубоги мусобақалари мобайнида автопойгалар тарихида илк маротаба аёл кишининг маррага чиқиши кузатилади. Буюк Британия тарма жамоаси таркибидagi зифатли вакиллари Катрин Лейж Toyota сериалида эркаклар билан баб-баравар рўлга ўтиради. Кўни кеча у Валлелунга трассаларида ўтказилган Minardi тестида иштирок этиб, бунга муносиб эканлигини исботлади. Гарчи у биринчи ўринида атиги бир айланани амалга оширган бўлса ҳам, иккинчи ўринида йигирма етти айлана натижа кўрсатиб, энг яқин таъкибчиларини беш айлана ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллади.

**Қишки спорт турлари**

Айни кунларда спортнинг қишки турлари бўйича ҳам навбатдаги мавсум бошланмоқда. Бугун Австриянинг Илгесе шаҳрида босбейл бўйича жаҳон кубоги мусобақаларига старт берилди.

Хафтанинг жума ва шанба кунлари эса Канаданинг Калгари тоғ минтақаларида чанада учиб бўйича жаҳон кубоги баҳслари бўлиб ўтади. 9-11 декабрда навбатдаги қишки Олимпиада ўйинларига ҳозирлик кўраётган Турин шаҳри жаҳоннинг манаман деган қонъи усталарини қабул қилади. Бу ерда Олимпиадада учиб бўйича жаҳон кубоги мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган. Худди шу кунлар мобайнида АКШнинг Аспен тоғ минтақаларида тоғ чангиси беллашувлари бўлиб ўтади. Шунингдек, шанба кўни Франциянинг Валь-д-Изере кенглигида ўшбу спорт тури бўйича жаҳон кубоги баҳслари ўтказилади. 10 ҳамда 11 декабрда эса Чехиянинг Гаррахове шаҳрида транплиндан сакраш мусобақаси, Канаданинг Вернон шаҳрида эса чангида учиб баҳслари бўлиб ўтади.

**Биатлон**

Кеча Австриянинг Хохфильцен шаҳрида биатлон бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқинчи старт олд.

Унда яқин йилларга дунёнинг энг яқин биатлончилари сифатида эътироф этиб келинган Россия тарма жамоаси сўнгги беш йил мобайнида илк бор кучли таркиб билан иштирок этмоқда. Тарма жамоа бош мураббийси Валерий Польховскийнинг таъкидлашича, биатлончилар Италия технологиясига асосланган махсус шифт-машиналар билан мукамаллаштирилган чангиларда катнашадилар.

Жаҳон кубогининг иккинчи босқинчи баҳслари кеча 15 километрга аёлларнинг яқна пойгаси билан бошланди. Бугун эса 20 километрга эркакларнинг яқна пойга мусобақаси ўтказилади. Эртага аёлларнинг 7,5 километрга спринтер баҳслари бўлиб ўтиши режалаштирилган, 10 декабр, шанба кўни эса 4 ҳамда 6 километрга аёллар эстафета пойгалари, шунингдек, эркаклар ўртасида 10 километрга спринтер пойгаси ўтказилади. Жаҳон кубогининг Хохфильцендаги босқинчи яқшанба кўни 4 ва 7,5 километрга эркаклар эстафета пойгаси билан якунига етади.

**Шоҳмот**

Бу ҳафтада Россиянинг Хант-Мансийске ўлкасида шоҳмот бўйича жаҳоннинг энг сўнгги йirik турнири – Жаҳон кубоги беллашувлари бошланади.

Мазкур мусобақада дунёнинг 48 давлатидан ташриф буюрган 128 та шоҳмотчи нокаут тизим усулида баҳс олиб боради. Мукофот жамғармаси 1572000 АҚШ долларини ташкил қилган ўшбу нуфузли турнир 17 декабрда ниҳоятга етади.

PS: Ўтаётган ҳафтада, шунингдек, сузиш, "Формула-1", хоккей, гандбол, волейбол, баскетбол ва яна бир қатор спорт турлари бўйича йилнинг энг сўнгги халқаро мусобақалари бўлиб ўтади. Хуллас, мазкур ҳафтада спортчилар учун, қайсиқидир маънода, "галлий сувдан кўтарилади".

**Хасан ТОШХУЖАЕВ** тайёрлади.

**Бокс**

Шанба кўни Германиянинг Лейпциг шаҳрида нигериялик Кингсли Икеке ҳамда Артур Абрахамларнинг IBF версияси бўйича ўрта вази тоифасида жаҳон чемпионлиги камари учун рингга кўтарилишлари кутилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни таъкидлашимизки, бу икки боксчи ҳали бирон маротаба ҳам мағлубият аламини тотмаган бўлиб, нигериялик чарм кўпқол устаси ҳатто машҳур Оскар деля Хойя устидан ҳам ғалаба қозонганди. Артур Абрахам эса ўзининг сўнгги "жанг"ида ўрта вазида мутлақ жаҳон чемпионлиги учун биринчи рақамли номзод саналувчи Говард Истменга "бокс бўйича сабоқ берган". Қўриқиб турибдики, улар ўртасидаги баҳс анчайин қизиқарли тарзда кечади.

Шу кўни Лондонда ўтказилиши режалаш-

**Хурматли ишбилармон ва табдиркорлар!**


Ихтисослаштирилган кимовши савдоларини ташкил қилиш ташкилоти "AUKSION-INVEST" 2006 йил 12,19,26 январ ва 2 феврал кунлари соат 10:00 да кимовши савдоларини ўтказилади.

Савдога қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилади:

1. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Янгийул тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, "Абдуманнон" хусусий қорхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Эски қовунчи Қ.Ф.И.да жойлашган бино ва иншоотлар, бошланғич нархи 30 015 300 сўм.
2. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган, "Хўжақент" ширкат хўжалигига тегишли бўлган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хўжақент Қ.Ф.И.да жойлашган:
  - ёғоч кесиш иншооти, бошланғич нархи 2 502 200 сўм;
  - ферма бинолари, бошланғич нархи 7 998 248 сўм;
  - техник хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси, бошланғич нархи 727 885 сўм.
3. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган "Абай" ширкат хўжалигига тегишли Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Қора Манас қишлоғида жойлашган 31 донга баҳорги иссиқхона қурилмаси ва шийон биноси, бошланғич нархи 4607345 сўм.

Савдога қатнашиш учун харидорлар объектлар бошланғич нархининг 10 фоизи микдорда гаров пули тўлашлари шарт. Савдога қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасида қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 42-46-23.

Ташкилотнинг гўвоҳномаси № 000530



**МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!**

"Пахта Банк"нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Бўстон бўлими жамоаси Бахтимиз Қомуси - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун 8 декабр умумхалқ байрами муносабати билан Эллиққалъа тумани меҳнатқашлари номидан мамлакатимиз ақлини самимий табриклар, мустақкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди.

**Ватанимиз осмони доимо мусаффо бўлсин!**

Winrock International ташкилоти жамоаси сувдан фойдаланувчилар уюмларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси раҳбари ўринбосари Асрор Назировга отаси **Ахрор НАЗИРОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Ўрмон хўжалиги Бош бошқармасининг Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжалиги бошқармаси Зоимин миллий табиат боғи директори Алишер Хўжаевга акиси **Эҳсон ХўЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси таҳририятнинг собиқ бўлим мудири, меҳнат фахрийси **Зиёвуддин ОРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чўқур таъзия изхор этади.

<p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Ўтқир РАҲМАТ</b></p>	<p><b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОҲОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p><b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият – 133-95-17, Реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс – 133-44-43, 133-40-87</p>	<p><b>ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:</b> Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-06; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8-369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-626-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар -тижорат мақола</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: Х. ТОШХУЖАЕВ Саҳифаловчилар: Р. ЁДҲОРОВ, А. САФОНОВ Мусахҳих: Б. КОДИРОВ</p>
<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.</p>		<p>Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.</p>	<p>Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9375</p>	<p>Газета таҳририятнинг ўзига компьютерда терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босиб-хонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>